Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 20 май
ЖУМА
№ 113 (4.309).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

## ХИРМОНГА БАРАКА

**Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига 1.310 тонна кумуш тола етиштиришга аҳд қилган Сурхон воҳасининг пиллачилари мўл ҳосилни йиғиштириб, давлатга топширишга киришдилар.**

Обод Саидовалар хонадонида пилла ҳосилини теришни Улуғой момо бошлаб бериши рамзий анъанага айланган. Бу йил ҳам ана шу таомил бузилмади. Ҳовлига мўътабар, пири бадавлат аянинг неваралари чеваралари, қўни-қўшнилар ҳам тўпланишди. Саксон тўққизинчи баҳорга қадам қўйган онахон ҳассага таянмасдан, уйидан чиқиб ипак қурти парвариш қилинган хоналарни кўздан кечириб келди. Сўнгра каттакон тут дарахти соясига тўшалган кўрпачага ўтириб, «Хирмонингиз баракали бўлсин, болаларим» деди. Ўн бир фарзандни тарбиялаб вояга етказаётган қизи Обод опа кумуш толага бурканган дастани биринчи бўлиб онасига узатди. Онахон дастадаги пиллаларни битталаб териб, тозалаб сўнгра саватга сола бошлади.

— Онамизнинг қўллари баракали, — дейди Обод Саидова. — Тўғри, барака аввало меҳнатда, 52 грамм ипак қуртини парваришлаб, ваъдага вафо учун ҳаммамиз ҳаловатни бир четга йиғиштириб тик оёқда туриб меҳнат қилдик. Ипак қурти тўртинчи уйқудан уйғонгач, ҳаммамиз барг етказиб беришдаги меҳнатимизни сўз билан ифодалаш қийин. Ҳар йили ипак қурти сўнгги ёшида олти-етти кун барг еярди. Бу йил ҳаво салқин келганлиги учун ҳам қуртларнинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди: роса саккиз кун барг егач, пилла ўрай бошлади. Онамиз ана шу ташвишларимизнинг барисидан хабардор эканлар-да. «Обод, қурт баргни кўп еяпти, ҳосил бўлиқ бўлади, тарози босади», дедилар. Қари билганни пари билмас, деб шунга айтадилар-да. Ҳақиқатан ҳам пилла ўтган йилдагидан хийла бўлиқ.

Обод опа йигирма тўрт йилдан буён ипак қуртини парвариш қилиб давлатга сифатли хом ашё топшираяпти. Ўтган йили ҳам оила аъзолари қабул пунктига 240 килограмм аъло сифатли маҳсулот топшириб, 1.700 сўм даромад қилган эди. Жорий йилда уларнинг ваъдаси 270 килограмм кумуш тола етказиб бериш. Илғор пиллачилар қилинган меҳнат натижаси чакки бўлмаслигига ишонадилар.

### РЕПОРТАЖ

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасидан ҳовли ўртасидаги сават ва идишлар пилла билан лиммо-лим бўлди. Ҳозиргина дасталардан териб олинган оппоқ пилла кўзларни ҳам қувонтиради, ҳам қамаштиради.

Обод опанинг қўшнилари Донохол Шобердиева, Зулхумор Хўжамқулова, Раъно Мирзаева, Ўғилшод Мусурмонқуловалар ҳам ҳосилни териб олишда ҳашарга келишган.

— Бошқа соҳаларни билмайман-у пиллачиликда ҳамиша ҳам оила пудрати асосида меҳнат қилаяпмиз, — дейди Донохол Шобердиева. — Ипак қурти парвариши жуда қисқа, лекин ҳар кимнинг меҳнатсеварлигини, тадбиркорлигини синовдан ўтказадиган мавсум. Қишлоғимизда ҳаммамиз Обод аяга тан берамиз. Оилада ўн бир фарзандни оқ ювиб, оқ тарашнинг ўзи бўлмайди. Ҳозир пенсия ёшида бўлса ҳам колхозда пиллачиларнинг саркори. Хўжаликда тарбияланган ўғил ва келинлардан олти нафари меҳнат қилаяпти. Пилла терими эса келма навбат: бугун биз ёрдам берамиз, эртага улар оила аъзолари билан бизнинг хонадонимизга ўтадилар. Бунинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Ҳам ширин суҳбат, ҳам иш, деганларидек. Ўшанда Улуғой момони ҳам ёддан чиқармаймиз. Қўлларидан етаклаб ҳовлимизнинг тўрига ўтказамиз.

Ангор районидаги Куйбишев номли колхознинг ўзида 240 хонадонда пилла ҳосилини териб давлатга топширишга киришилди. Улар бу йил 420 қути ипак қуртидан 23 тонна кумуш тола топширадилар. Баҳорнинг салқин келиши натижасида парваришга бироз кеч киришилди. Одатда тут барги мурғаклигидаёқ ипак қуртини жонлантирилиб тарқатиларди. Дастлабки кунларда барг битталаб териб олиниб солинарди. Бу йил эса пиллачилар озуқа етилишини сабр-тоқат билан кутдилар. Ҳосилни териш ўтган йилдагидан 2—3 кун кечикаётганлигини ҳисобга олмаганда барг етказиб беришда ҳеч қандай қийинчилик сезилмади. Бунинг устига ҳосил ҳам бўлиқ. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти пиллачиларга зарур шароит яратиб берди. Биринчи марта ипак қуртининг бир қисми махсус темир сўкчакларда парваришланди. Ҳар бири 12 метр жойни ишғол қиладиган темир сўкчаклардан бир неча йил давомида фойдаланиш мумкин. Бибихон Юсупова, Холдон Исмоилова, Улғўзи Норматова каби илғор пиллачилар ҳам хўжаликнинг кумуш тола хирмонига муносиб улуш қўшаяптилар. Уларнинг ҳар бири биринчи куниёқ қабул пунктига 65—70 килограммдан аъло навли хом ашё топширдилар.

**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**



**Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг Раҳмоновлар хонадонида ипак қурти катта даҳага кирди. Демак, жониворлар пилла ўраш арафасида. Бунга қурт боқиш агротехникасига қатъий риоя қилиш, жадал усулларни изчил жорий этиш ҳисобига эришилди.**

**СУРАТДА: хонадон соҳибаси Марғуба Раҳмонова ипак қурти ривожини ҳушёрлик билан кузатаяпти.**

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

## ДАЛАЛАР НАФАСИ

### БАРАВЖ НИҲОЛЛАР

Уйчи районидаги «Комсомол» колхози бу йил «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози билан қўшилди. Ерлар анча кенгайди, план катталашди. Хўжалик деҳқонлари 963 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,5 центнердан хирмон кўтариш мақсадида дала ишларини уюшқоқлик билан бажармоқдалар. Абдукарим Отахонов, Адашали Ҳайдаров каби механизаторлар биринчи комплекс ишловни тамомладилар.

Хўжаликнинг Зокиржон Сотиболдиев бошлиқ бригадасида ғўза парвариши айниқса қизғин бораяпти. Ҳар гектар адир ердан 30 центнердан пахта етиштириш учун курашаётган бригада аъзолари агротехникага қатъий риоя қилмоқдалар. Механизатор Жалолиддин Хўжаевнинг ғайрати туфайли ниҳоллар кунда бир яшнаяпти.

Ҳалима Абдуллаева, Абдувоҳид Тўраевлар бошлиқ бригадаларда ҳам ниҳоллар авжи яхши.

**А. ҚОРАБОЕВ.**

### ШАХСИЙ ИБРАТ

Ленин районидаги Энгельс номли колхознинг Султонбой Хўжамназаров бошлиқ бригадаси заршунослари беш йилликнинг учинчи йилида 40 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишмоқда. 82 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган пахтакорлар шу кунларда тўла гектарлар яратиш, яганалаш, ғўза қатор ораларини юмшатиш ишларини қизитишмоқда.

Кўтаринки руҳдаги меҳнат мусобақасида механизатор Абдувоҳид Акбаров пешқадам. У ҳар куни 7—8 гектар майдонни сифатли культивация қилаётир. К. Қурбонов, С. Ҳайдаров, З. Асқаров сингари сувчилар, О. Жумабоева, Х. Қурбонова, М. Аҳмаджонова, А. Ўсарова каби лабзи ҳалол колхозчилар ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

**У. АБДУЛЛАЕВ.**

### ПАҲЛАВОН ЭКИН ЯШНАЯПТИ

90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан каҳрабо дон, 450 центнердан кўкпоя етиштирамиз! Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига меҳнат вахтасида туриб мардонавор тер тўкаётган Киров районидаги «Москва» колхози маккажўхорикорлари парваришни илғор агротехника қоидалари асосида уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Қисқа муддат ичида қатор оралари культивация қилиниб, ниҳолларга озуқа берилди, сифатли яганаланди. Натижада паҳлавон экин кунда бир яшнаб, мавж уриб ривожланаяпти.

Ҳасанбой Ортиқов бошлиқ бригадага қарашли 17 гектар майдондаги паҳлавон экиннинг ривожи айниқса баланд. Ниҳоллар авжига авж қўшишда механизаторлар Ҳайдарали Мўминов, Абдужалил Райимов, Усмонали Ҳолиқназаровларнинг ҳиссаси катта.

**А. УЗОҚОВ.**

## М. С. ГОРБАЧЕВ П. ТИНСУЛАНОН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

М. С. Горбачев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Таиланд Бош министри Прем Тинсуланон билан 18 май куни Кремлда учрашди.

М. С. Горбачев меҳмон билан саломлаша туриб, Таиланд ҳукумати бошлиғининг визити иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади, деб умид билдирди. Шу кунларда бўлиб ўтган Совет-Таиланд музокаралари Совет Иттифоқининг барча мамлакатлар билан мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтиришга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ташқи сиёсати умумий йўлига мос бўлиб тушди. Бу сиёсатга янгича тафаккур принциплари асос қилиб олинган. Совет раҳбарияти бу принципларни шунчаки эълон қилиб қолмай, шу билан бирга ядро аслаҳахоналарини қисқартиришга, химиявий қуролни тақиқлашга, оддий қурол-яроғларни қисқартиришга қаратилган амалий таклифларда изчиллик билан рўёбга ҳам чиқармоқда. Биз етилган халқаро муаммоларни ҳал этиш йўлларини излашга барча давлатларни таклиф қиламиз.

П. Тинсуланон Совет Иттифоқида рўй бераётган жараёнларга Таиландда қизиқиш билан қаралаётганини, Совет Иттифоқининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги кенг миқёсли ташаббуслари хайрихоҳлик билан кутиб олинаётганини айтди. Бош министр Таиланд ҳукуматининг турли соҳаларда Совет Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини изҳор этди.

Суҳбатда Кампучиядаги аҳволни сиёсий воситалар билан бартараф этиш муаммосига муносиб эътибор берилди. Суҳбатдошлар мазкур проблеманинг ҳал этилишини фақат сиёсий воситалар билан, музокаралар йўли билан таъминлаш мумкин, деган фикрга келдилар.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг маҳаллий муаммоларга ёндашувини баён этиб, жаҳон ҳамжамияти орттирган тажрибани ибрат қилиб кўрсатиб, уларни — ҳатто энг мураккаб, эскириб кетган муаммоларни ҳам сиёсий жиҳатдан бартараф этиш йўлида ҳал қилиш кераклигини таъкидлади. Можароларни ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Бу гап Кампучия муаммосига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Уни мавжуд реалликларни тан олиш асосида, яъни бу можарога бирон-бир тарзда жалб этилган барча кучларнинг иштирокида ҳал қилиш зарур. Кампучиялик ва вьетнамлик дўстларимизнинг позицияси ҳам ана шундай.

Мазкур муаммони барча томонларнинг манфаатларини эътиборга олиб ҳал қилиш, бир-бирига пешвоз чиқиш лозим. Бу ўринда ҳам манфаатларнинг мувозанати бўлиши керак. Агар шундай ёндашув устунлик қиладиган бўлса, можаронинг бартараф этилишини тез яқинлаштириш мумкин. Бунга АСЕАН мамлакатлари, Таиланд ҳам кўмаклашишлари мумкин бўлур эди.

Таиланд Бош министри ҳозирги вақтда Кампучия муаммосини ҳал этиш учун қулай шарт-шароит вужудга келмоқда, деган маънода гапирди. Шу муносабат билан у Кампучия муаммосини ҳал этишдан манфаатдор бўлган томонларнинг Жакартада бўладиган учрашувини эслатиб ўтди.

АСЕАН мамлакатларининг халқаро ва маҳаллий муаммоларни ҳал этишга қўшаётган мустақил ҳиссаси Совет Иттифоқида юқори баҳоланмоқда, деди М. С. Горбачев. СССР шу уюшмага кирадиган барча мамлакатлар билан яхши муносабат ўрнатишни хоҳлайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ҳозир АСЕАНнинг доимий комитетида Таиланд раислик қилаётганини назарда тутиб, АСЕАНга аъзо бўлган мамлакатларнинг раҳбарларига Бош министр орқали салом топширди ва Совет Иттифоқининг шу ташкилот билан ҳамкорлик қилиш истаги астойдил эканини тасдиқлади.

П. Тинсуланон бўлажак олий даражадаги Совет—Америка учрашуви муносабати билан М. С. Горбачевга муваффақият тилади.

М. С. Горбачев суҳбатни якунлаб, Совет Иттифоқи билан Таиланд ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиб, шу тариқа муштарак ёндашувларни аниқлашга, экономикада, савдо-сотиқда, бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Бош министр М. С. Горбачевни Таиландга боришга таклиф этди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков қатнашди.

**(ТАСС).**

## М. С. ГОРБАЧЕВ АМЕРИКА ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

М. С. Горбачев 18 май куни Американинг «Вашингтон пост компани» ноширлик корпорацияси журналистлари группаси билан учрашди, суҳбатлашди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда: корпорация правлениесининг раиси К. Грэхэм, «Ньюсуик» ҳафталик газетасининг бош редактори Р. Смит, «Вашингтон пост» газетасининг редакторлари Д. Хогленд ва М. Гринфилд, «Вашингтон пост» газетаси редакторининг ички сиёсат масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари Р. Кайзер қатнашдилар.

Суҳбат совет матбуотида 23 май куни, АҚШ да босилиб чиққандан сўнг эълон қилинади.

**(ТАСС).**

## ДЎСТОНА СУҲБАТ

19 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов республикамиз бўйлаб сафарга чиққан Германия Коммунистик партияси раиси Герберт Мисни қабул қилди.

Р. Н. Нишонов суҳбат чоғида меҳмонга Ўзбекистон коммунистлари мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуришда, жамият иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларини янгилашда фаол иштирок этаётганликлари ҳақида гапириб берди. Республика меҳнаткашлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётганликлари таъкидланди. Меҳнат коллективларида хўжалик юритишнинг янги методлари тобора кенг кўламда жорий этилмоқда. Давлат ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда Советларнинг роли анча ошмоқда. Республика меҳнаткашларининг куч-ғайрати ишлаб чиқаришни интенсивлаш, ўтмишдаги мавжуд салбий ҳодисаларга узил-кесил барҳам бериш, иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Герберт Мис Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати бутун жаҳонда тобора кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётганлигини уқтириб ўтди. Мамлакатимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига баракали таъсир этмоқда.

Суҳбат чоғида Афғонистондан совет қўшинлари чекланган қисмларини олиб чиқиб кетиш бошланганлиги муносабати билан мамнуният изҳор этилди. Бу регионлаги аҳволни барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қатнашди.

* * *

Шу куни Герберт Мис Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига борди, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди.

**(ЎзТАГ).**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

18 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан «Главсредазирсовхозстрой» иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

«Главсредазирсовхозстрой» суғориладиган майдонларни реконструкция қилишга ажратилаётган капитал маблағлар структурасини қайта кўриб чиққанлиги таъкидланди. Натижада ўтган йили янги ерларни ўзлаштириш икки баравардан кўпроқ камайди, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид ишлар 1,7 баравар кўпайди.

Айни вақтда «Главсредазирсовхозстрой» қўриқ ерлардаги мавжуд ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан кўраётган тадбирлар ниҳоятда етарли эмас, пировард натижалар паст. Умуман қўриқ зонадаги деҳқончилик ва чорвачилик норентабел бўлиб қолмоқда.

«Главсредазирсовхозстрой» раҳбарияти чўлқуварларнинг социал таъминоти масалаларига, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига юзаки қарамоқда. Қўриқдаги посёлкаларни ободонлаштиришга ажратилаётган маблағлар ўзлаштирилмаяпти, соғлиқни сақлаш ва маданият объектлари суст қурилмоқда.

Қўриқдаги хўжаликларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳануз ўткир муаммо бўлиб турибди, қўнимсизлик кўп, бошқа областлардан кўчиб келаётган кишиларга зарур шарт-шароит яратилмаяпти. Пудрат ва хўжалик ҳисоби кам самара билан жорий этилмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг ана шу формаларига ўтган коллективларни аниқ-пухта рўйхатга олиш йўлга қўйилмаган. Бу коллективларда янгича ишлашдан ҳар бир кишининг манфаатдор бўлиши учун шарт-шароит яратилмаган. «Главсредазирсовхозстрой» партия комитети раҳбарларга нисбатан зарур талабчанлик қилмаяпти.

Марказий Комитет бюроси «Главсредазирсовхозстрой»нинг КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш соҳасидаги ишини етарли эмас, деб топди. «Главсредазирсовхозстрой» (ўртоқ Э. Турсунов) коллегияси ва партия комитети (ўртоқ Б. Муталипов) территориал бошқармалар, бирлашмалар ишини қайта қуришда, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни таъминлашга уларнинг куч-ғайратини сафарбар этишда сусткашлик қилмоқдалар. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда «Главсредазирсовхозстрой»нинг ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланишни кучайтиришга оид фаолиятининг конкрет йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ЕРНИ ИЖАРАГА ОЛИБ

Қоракўл районидаги «Бухоро» колхозидан Р. Чорниёзова оилавий звеноси эртанги бодринг экиб, яхши ҳосил етиштирди. Савдо тармоқларига шу кунгача уч тоннадан ортиқ янги сабзавот жўнатилди.

Звенода жами беш киши — Руқия, унинг эри Саид ва болалари ишлашади. Ўтган йили улар колхоздан 35 сотих ерни ижарага олгандилар. Оила аъзолари шартномага кўра, давлатга 780 сўмлик сабзавот топширишлари керак эди. Амалда эса 3056 сўмлик сабзавот топширдилар.

— Бу йил баҳорда биз ўз участкамизни бир гектарга етказдик. Энди тажрибамиз бор. Колхоз механизаторлари далаларни текислашда, ерларга ишлов беришда ёрдам қилишаяпти. Биз ҳозирнинг ўзида эртанги карам етиштириш топшириғини бажардик. Ҳозир бодринг етказиб бераяпмиз, яқин орада бошқа сабзавот экинлари ҳам етилади, — дейишмоқда сабзавоткорлар.

— Ўтган йили оилавий звеноларни бармоқ билан санаш мумкин эди, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Р. Маматназаров. — Деҳқон табиатан жуда эҳтиёткор бўлади. У янгиликни синчиклаб кўздан кечириши керак. Ҳозир эса ишлар юришиб кетди. Одамлар пудрат фойдали эканлигини амалда синаб кўриб, унга ишондилар. Шундай қилиб ҳозир 270 та оилавий звено тузилган. Ем-хашак етиштириладиган ерлар, сабзавот далалари, боғлар, жамоат чорвасининг катта қисми улар ихтиёрига берилди.

Колхоз пудратчиларга техника, уруғлик, ўғитлар билан катта ёрдам бермоқда. Колхоз правлениеси ва партия комитети хўжалик бош агрономи коммунист М. Азимовни ана шу ишларга мутасадди қилиб тайинлади.

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

19 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотлар топшириш маросими бўлди. Катта меҳнат муваффақиятларига эришганлиги, коллективнинг жамоат турмушида фаол қатнашганлиги ҳамда Ўрта Осиё темир йўлининг 100 йиллиги муносабати билан Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ҳамда унга қарашли ташкилотларнинг ишчи ва мутахассисларидан бир группасига республиканинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев топширди.

**(ЎзТАГ).**

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Финляндия, Дания, Ирландия партия ходимлари — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар институти тингловчиларидан бир группаси Тошкентга келиб, Ўзбекистон ҳаёти, республика партия, совет ва жамоат ташкилотларининг иш тажрибаси билан танишмоқда.

Институт тингловчилари ўқув-танишув практикаси чоғида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, «Ташсельмаш» заводида, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раҳбарлари, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг ходимлари билан суҳбатлар бўлди. Чет эллик меҳмонлар В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети партия комитетининг аъзолари ва студентлари билан учрашдилар. Улар шаҳардаги маҳалла комитетларидан бирига бордилар, тошкентликларнинг хонадонида бўлдилар, Самарқандга сафар қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар институтининг тингловчиларини 19 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қабул қилди.

## ПИОНЕРЛАР БАЙРАМИ

19 май куни Ўзбекистон пойтахтининг В. И. Ленин номли майдони қизил галстук таққан бахтиёр болалар билан гавжум бўлди. Тошкентлик ёш ленинчилар бу ерга В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг 66 йиллигига бағишланган тантанали линейкада қатнашиш учун келдилар. Ўқишда ва жамоат ишларида ўрнак кўрсатган энг яхши пионерларга В. И. Ленин ҳайкали пойига ҳамда Номаълум солдат қабрига гуллар қўйиш ишониб топширилди. Пионерлар партия ишига садоқатли бўлиш, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқ қолиш ҳақида қасамёд қилдилар. Улар ёш авлод бугунги кунда тинч осмон остида яшаб ўқиши учун ўз ҳаётларини қурбон қилган ота-боболари хотирасини муқаддас билиб, қалбларида сақламоқдалар.

Шу куни республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларида тантанали линейкалар бўлди. Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари ҳайкаллари ёдгорликлари олдида пионерлар фахрий қоровули саф тортиб турди. Мамлакат учун оғир бўлган йилларда яшаган пионерлар катта авлодининг жасорати бугунги болалар ва қизларни илҳомлантирмоқда. Улар билим чўққиларини эгаллашга интилмоқдалар, мустақилликка ўрганмоқдалар.

Республика пионерлари янги «Эксперимент» программасини ишлаб чиқдилар. Бу программа мактабда ўзини ўзи бошқаришга, дружиналар моддий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Комсомоллар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш натижасида болаларнинг ташаббуси ривожланаётганлигидан далолат берувчи кўпгина мисоллар пайдо бўлди. Чунончи, қатор мактабларда вожатийлар демократик асосда сайланди. Эндиликда пионер дружиналарининг ўз маблағлари ҳам бор — давлат банки идораларида махсус счётлар очилган. Бу счётларга ўқувчилар шанбаликлар вақтида, макулатура ва темир-терсак тўплашда ишлаб топилган пуллар келиб тушмоқда. Ҳамкорлик ярмаркаларида болалар тайёрлаган товарларни сотишдан тушган пуллар ҳам ана шу счётга ўтказилмоқда. Бу ярмаркалар ҳозирнинг ўзидаёқ деярли ҳар бир мактаб ҳаётига мустаҳкам сингиб кетди. Пионер дружиналари йиғилган маблағларни ўз хоҳишларига кўра ўқувчиларнинг дам олишини ташкил этишга, керакли жиҳозларни сотиб олишга сарфлашлари мумкин.

Шу куни В. И. Ленин номли пионерлар ва ўқувчилар республика саройида бўлган пионер активларининг комсомол ходимлари билан учрашувида ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида гапирилди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, СССР Халқ маорифи давлат комитети раисининг ўринбосари В. Д. Шадриков қатнашдилар.

**(ЎзТАГ).**

